



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Азимов Тохир Саидович

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академияси
ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти кафедраси
доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11277148>

ARTICLE INFO

Received: 18th April 2024
Accepted: 20th May 2024
Published: 24th May 2024

KEYWORDS

йўл ҳаракати хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-патруль хизмати, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

ABSTRACT

Мазкур мақолада йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан ички ишлар органларининг маъмурий фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳуқуқий мақоми, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар берилган бўлиб, бу борада йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий вазифа ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги ҳақида сўз юритилган.

Транспорт халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, уни образли қилиб, мамлакатнинг «ҳаёт томири» деб атасак хато бўлмас. Маълумки, Ўзбекистон қадим замонлардан Ғарб ва Шарқни боғловчи Буюк ипак йўлида жойлашган давлат сифатида машҳур бўлган. Эндиликда ана шу қадимий йўл янгича сайқал топиб, элларни-элларга боғлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш транспорт ва коммуникация тизимини такомиллаштириш билан узвий боғлиқ.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан¹ бири бўлиб, ушбу вазифани самарали ташкил этиш тизимда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари зиммасига юклатилган.

Бугунги кунда республикамизнинг вилоят ва шаҳар марказлари, катта шаҳарларидаги автомобиль йўлларида, шунингдек турли оммавий тадбирлар ўтказиш вақтида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф қилиш соҳасида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг ролини юқори баҳолаш мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь, 407-сон Қонуни // Lex.uz.

Мустақиллик йилларида ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари қаторида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолиятини ислоҳ этиш жараёнида уларнинг тезкорлиги, мобиллиги ва шайлигини ошириш, моддий-техник базасини такомиллаштириш, диний экстремизм, терроризмга қарши кураш ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишининг олдини олишдаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев “Бугун ўта муҳим ва кечиктириб бўлмас масалани муҳокама қиламиз. Бу – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”, деб 2022 йил 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишда бежиз таъкидламаган эди. Чунки, мамлакатда 2021 йилда 10 мингдан зиёд авария содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланган. Энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан 263 нафар бола ҳалок бўлган².

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий вазифаси сифатида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидабузарликларига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш учун фаолият соҳасини белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳуқуқий мақомини ўрганиш учун, энг аввало, унинг тизими, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳамда уларни амалга ошириш бўйича фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш лозим.

Мазкур фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучига кўра: халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; миллий қонунлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари; Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоралараро ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий қонуности ҳужжатларига ажратиш мумкин.

Албатта халқаро ҳуқуқнинг кўпгина, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид бўлган нормалари барча давлат органлари каби Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятининг ҳам ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мазкур соҳада фаолият олиб борувчи махсус давлат органи бўлгани учун БМТнинг «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги (1968 йил 8 ноябрь) Вена конвенциясини (Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 17 январдан кучга кирди) унинг фаолиятини тартибга солувчи асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат, деб айтишимиз мумкин.

Фаолиятнинг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилувчи миллий қонун ҳужжатлари жуда ҳам ранг-барангдир. Биринчи навбатда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси нормалари талаблари асосида амалга оширади. Мазкур тизимида терговга қадар текширув ва суриштирув фаолияти Ўзбекистон Республикасининг ЖПК, маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритиш Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекслар талаблари асосида олиб борилади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида сўз борганда, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари

² <https://sputniknews.uz/20220211/yol-harakati-xavfsizligi-mirziyoev-qanday-topshiriqlar-berdi-22674196.html>

тўғрисида»ги (2007 йил 2 октябрь) ҳамда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (2013 йил 10 апрель) қонунларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

«Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонунда йўл ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган нормасида ноқулай об-ҳаво шароитларида, табиий офатлар, ёнғинлар юз берганда, автомобиль йўллари транспортларини ўтказиш қобилиятини йўқотганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, шунингдек, таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб борилаётганда йўл ташкилотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бу ҳақда билдирган, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш билан хабардор қилиб тегишли белгилар ўрнатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмалари билан биргаликда транспорт воситалари ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда автомобиль йўлларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш ишлари олиб бориш учун олдиндан рухсатнома олмаган ҳолда жорий этилиши мумкин. Бироқ бунда автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари бу ҳақда хабардор қилиниши шарт эканлиги мустақамлаб қўйилган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган³. Ушбу қонунга мувофиқ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари қаторида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам қайд этилганлиги ушбу соҳада ички ишлар органлари зиммасига бир қатор мажбуриятлар юклайди.

Қонуннинг асосий мақсади йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилишини, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкларини, атроф муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Қонунда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, атроф муҳит ҳимояси ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги ҳамда бу соҳадаги фаолиятнинг тизимлилиги асосий принциплар этиб белгиланганлиги, энг аввало, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар иштирокчилардан юқоридаги қоидаларга риоя этишни талаб қилади, қолаверса ушбу тизимнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллигини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонуннинг мақсади ва унинг асосий принциплари талабларидан келиб чиққан ҳолда йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш ҳақидаги нормага асосан амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган (оммавий тадбирлар ўтказиш, табиий, техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятлар вужудга келган ёки бошқа) ҳоллар ва тартибда хавфсизликни таъминлаш мақсадида йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлашга йўл қўйилади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш ҳақидаги нормада йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт

³ Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни // Lex.uz.

воситаларидан фойдаланиш тақиқланиши билан бир вақтда, техник носозликлар рўйхати ва бундай носозликлар мавжуд бўлганда, улардан фойдаланишни тақиқлайдиган шартларнинг йўл ҳаракати қоидаларида, тақиқлаш эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бунга ваколатли мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Яна шуни таъкидлаб ўтишимиз жоизки, 2024 йил 19 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги ЎРҚ-900-сон қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилинганидан олти ойдан сўнг, яъни 2024 йилнинг 21 июль кунидан кучга кириши, шунингдек шу санадан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-348-сон қонуни ўз кучини йўқотиши эътиборга молик. Янги қонунга кўра ҳам Ички ишлар вазирлигининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи махсус ваколатга эга орган сифатида қайд этилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни бошқариш турли функция, шакл ва усуллар орқали амалга оширилади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ушбу элементларини мазмун-моҳиятига кўра, ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги йўналишларига ажратиш мумкин:

- а) ташкилий-тактик таъминлаш;
- б) ҳуқуқий таъминлаш;
- в) моддий-техник таъминлаш;
- г) кадрлар билан таъминлаш;
- д) ҳамкорликни таъминлаш.

Барча йўналишларда қонун ижросини таъминлаш бевосита йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимида доимий равишда амалга оширилиши керак. Мазкур хизмат фаолиятини самарали ташкил этиш, аввало «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини раҳбарлар чуқур ўрганишлари ҳамда қонун нормаларини барча ходимлар томонидан амалиётда қўллаш учун уларда зарур билим ва кўникмаларни шакллантиришга доир комплекс чора-тадбирларни тизимли амалга оширишларини тақозо этади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ўз фаолиятни тўлиқ «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширади. Хизмат тизимига кирувчи барча таркибий тузилмалар ва уларнинг ходимлари мазкур қонун билан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий вазифалар ва фаолият йўналишларини қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доираси ҳамда асосий принципларга риоя этган ҳолда қонун нормалари талаблари асосида амалга оширишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги (2013 йил 27 декабрь) қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, хусусан, унинг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати – автотранспорт воситаларининг ишлатилишида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши юзасидан экологик назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат орган ҳисобланади. Мазкур соҳада экологик назоратни амалга оширишда у махсус ваколатли орган сифатида қуйидаги ваколатларга эга:

- экологик назорат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;
- давлат экологик назоратини амалга ошириш;
- давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни, шу жумладан атроф муҳитнинг давлат мониторинги дастурини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

белгиланган тартибда экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан давлат экологик назорати масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;
идоравий, ишлаб чиқариш экологик хизматларини давлат экологик назоратида иштирок этиш учун жалб қилиш;
идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятининг муайян йўналишларида белгиланган вазибалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги (2021 йил 15 июль), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 йил 26 май), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 йил 15 декабрь), «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (2008 йил 17 апрель), «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини тўғрисида»ги (2015 йил 26 август), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017 йил 3 январь) ва бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларига ҳам таянади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини, хусусан, унинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май) қонуни талаблари асосида амалга оширади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолияти, шунингдек, уларнинг идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги (2015 йил 9 декабрь) қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги (2018 йил 8 январь) қонуни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятига замонавий ташкилий-ҳуқуқий шаклларни жорий қилишга, ички идоравий назорат механизмини кучайтиришга, давлат бошқарув соҳасида расмиятчилик ва суиистеъмолчиликка чек қўйишга, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали тарзда амалга оширилишини таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг замонавий механизмларини жорий қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 11 июль) ПҚ-3127-сон қарори Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимини ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур Қарорда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари белгиланди ва уларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазибалари сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 29 ноябрь куни имзоланган «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида Ички ишлар вазирлигини жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъект сифатида эътироф этилганлигини ҳамда қуйидаги вазибаларни амалга ошириш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлашини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

-жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

-жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги 60-сон фармони билан тасдиқланган «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти та устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларда Ички ишлар вазирлиги, хусусан йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга ошириладиган вазифаларни айтиб ўтишимиз жоиз. Фармонда ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Бунда, йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш кўрсатиб ўтилган⁵.

Хусусан, стратегиянинг “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” устувор йўналишининг 16-мақсади “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” деб белгиланиб, бу борада

-ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

-жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш;

-йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш каби вазифаларга эътиборни қаратишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракатлари қатнашчилари билан ўзаро муносабатларга киришишини бевосита йўл

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 29 ноябрь, ПФ-27-сон Фармони // Lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 20221 йил 29 январь, ПФ-60-сон Фармони // Lex.uz.

ҳаракати хавфсизлигининг маъмурий фаолиятни амалга оширишига яққол мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоровий ҳуқуқий ҳужжатлари ички ишлар органлари, хусусан, унинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг ижроси дорасида қабул қилинади ҳамда уларда тизим зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш усуллари, шакллари, механизмлари кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ички ишлар вазирлигининг давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда халқаро ва миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда идоровий норматив ҳужжатлар асосида маъмурий фаолиятни амалга ошириб келади.

